O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3 1 1 2 9 9

Ишончли телефон алоқаси

Кончилар шаҳри Ангрен аҳолиси уяли алоқа станцияси хизматидан фойдалана бошлади. «Ўздунробита» телекоммуникация тармоғини ривожлантириш дастурига мувофиқ энг замонавий техника ва технология асосида қуриб ишга туширган мазкур тизим шаҳар атрофидаги барча аҳоли пунктларини ўз ичига олади.

Айни пайтда Қамчиқ довонида ҳам ана шундай станция бунёд этилмоқда. Бу эса мамлакатимизни Фарғона водийси билан боғловчи катта автомагистрални ишончли алоқа билан таъминлаш имконини беради.

(ЎзА)

Янги йилга совға

Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси болалар учун янги йил совғаси тайёрлади. Қишки таътилга чиққан ўқувчилар ва болалар боғчалари тарбияланувчиларини махсус дастур асосида тайёрланган катта томоша кутмоқда. Меҳмонлар янги йил арчаси атрофида Қорбобо, Қорқиз ҳамда турли эртак қаҳрамонлари билан учрашади.

Қўшиқ айтиб, рақса тушади. Сўнгра Қорбобо болаларга аталган совғаси борлигини айтиб, уларни «Баҳор» концерт залига чорлайди.

Ажойиб совға бирлашма таркибидаги «Тановар» рақс театри, «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ансамбллари, «Мукаррама Турғунбоева» рақс студияси қатнашчилари ижросидаги ранг-баранг рақслар гулдастаси ва қувноқ қўшиқлардан иборат.

Бобомурод РАЙИМОВ

Байрам дастурхони атрофида

Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган тожик маданият марказида Янги йил байрами олдидан учрашув бўлди. Унда воҳада яшаётган ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакиллари байрам дастурхони атрофида суҳбат қуришди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг эмин-эркин яшаб, тинч-фаровон турмуш кечириш учун барча имкониятлар яратилгани ҳақида фахрланиб гапирдилар. Шуниси қувончлики, ҳозирги кунда бу ерда тожик тилида 70 дан зиёд мактаб, вилоят ва туман газеталари, вилоят телевидениесининг «Чошмасор» дастури фаолият кўрсатаётир.

Дўстлик учрашувида таниқли «Ширу-шакар» бадиий дастаси ижросида дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

(Ўз мухбиримиз)

Мурувват ва саховат ифодаси

Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизда «Президент арчаси»ни ташкил этиш, Республикада «Мурувват ўн кунлиги»ни ўтказиш, Рамазон ойини якунлаш ва Ҳайитга тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Касаба уюшмалари республика федерацияси кенгашининг раиси Д. Жихонгирова, Мусулмонлар диний идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Диний ишлар бўйича қўмита раиси Ф.Собировнинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, юртбошимиз ташаббуси билан мана етти йилдирки, мамлакатимизда Янги йил кунлари «Президент арчаси» мунтазам ўтказиб келинмоқда. Уларда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ногиронлар, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари Президент совғаларидан баҳраманд бўлмоқда. 29 декабрь куни пойтахтдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида бошланган бу йилги «Президент арчаси» ҳар галгидан қувончли ўтди. Шу куни бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам бошланди.

Бундай хайрли иш вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла», «Камолот», «Наврўз», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари ва ҳомий ташкилотлар томонидан ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, қишки таътил давомида ўзбек давлат миллий циркида ўтказилаётган умумшаҳар арча байрамида пойтахтлик 160 минг болага хайрия томошалари кўрсатилади.

Рўза ойи — меҳр-мурувват ойи. Айниқса, унинг охирги ўн кунлигида инсонларнинг бир-бирига янада меҳр-оқибатли бўлиши катта савоб ҳисобланади. Бундай муборак кунларда, халқимиз одатига кўра, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, беморлар, етим-есирлар ва қариялар ҳолидан хабар олинади, уларга меҳр-мурувват кўрсатилади, хайру эҳсонлар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов йиғилишда юртбошимиз халқимизнинг ана шу асрий анъаналаридан келиб чиқиб, «Соғлом авлод йили»нинг биринчи декадасида «Мурувват ўн кунлиги»ни ўтказиш ташаббуси билан чиққанлигини таъкидлади. Шу кунлари мамлакатимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида, маҳаллаларида хайр-саховат тадбирлари ўтказилади. Байрамона руҳда ўтажак «Мурувват ўн кунлиги"да инсонпарварлик, саховат, дўстлик, меҳрибонлик, меҳр-мурувват мавзусига бағишланган кўргазмалар, театр, концерт томошалари ташкил этилади.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 30 декабрь, пайшанба • № 154-155 (25.550).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай мулоқотлардан бири Янги йил арафаси — 29 декабрда Тошкент вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтди.

Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов билан учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг раиси Умар Муслимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Паркент тумани ҳокими Туроп Холтоев йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У ўз сўзида Ислом Каримов юртимиз истиқлолининг асосчиси, тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат раҳбари, халқимизнинг келажагини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг бошловчиси ва раҳнамоси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти улкан ва ноёб салоҳиятга эга эканини, бу ерда беҳисоб имкониятлар, ривожланган коммуникация тармоқлари, шаклланган инфратузилма, юксак малакали кадрлар мавжудлигини қайд этди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноат юқори даражада ривожланган минтақаларидан бирига айланиб, республика саноат маҳсулотининг 11,5 фоизини, электр энергиясининг 45 фоизини, кўмирнинг 98 фоизини, цементнинг 43 фоизини, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизини, рангли металларнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда.

Юртбошимиз қайд этганидек, замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида вилоятда четга маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари сони 31 тадан 56 тага етди, экспорт ҳажми 3,6 баробар ошди. Унинг таркибида пахта толасининг улуши камайиб, қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми ортиб бораётгани айниқса, муҳимдир.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 111 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида улар 13,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Айниқса, Жанубий Корея иштирокида тузилган «Кабул-Ўзбек компани», Чехия билан ҳамкорликдаги «Кенаф», Буюк Британия иштирокидаги «Конмит», Ўзбекистон-Германия саъй-ҳаракатининг маҳсули бўлган «Кибо» сингари қўшма корхоналарининг фаолияти самарали бўлмоқда.

Ислом Каримов Тошкент вилоятининг кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, аввало, бу йилнинг ўзида вилоят пахтакорлари ва ғаллакорлари эришган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга сазоворлигини айтиб ўтди. 283 минг тонна пахта, 322 минг тонна ғалла етиштириб, шартнома режаларини ошириб бажарган вилоят деҳқонларига фидокорона меҳнатлари учун чин қалбдан миннатдорлик билдирди.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 5 минг километрдан ортиқ табиий газ ва минг километрдан ортиқ ичимлик сув қувурлари фойдаланишга топширилди. Шу йиллар мобайнида аҳолини газ билан таъминлаш даражаси 52 фоиздан 79 фоизга, сув билан таъминлаш эса 75 фоиздан 90 фоизга етди. 2005 йилгача яна 4 минг 200 километр табиий газ, 800 километрдан зиёд ичимлик сув қувурлари тортиш кўзда тутилган.

Ислом Каримов Янгиобод воқеаларига тўхталиб, бу ҳол барчамизни янада огоҳ бўлишга, ҳушёрликни асло йўқотмасликка даъват этишини, юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат қуролли кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидлади.

Сўзини якунлар экан, йўлбошчимиз бугунги асосий куч-қудратимиз — одамларнинг эртанги кунга, тинчлик ва барқарорликка, фаровон турмушга ишончи эканини айтди.

Учрашувда сўзга чиққан Оҳангарон тумани меҳнат фахрийси Эргаш Оқилов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Владимир Андриянов, Олмалиқ шаҳар 16-ўрта мактаб директори Искра Пак, Қибрай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибихон Шералиева миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ва бошқа хайрли ишлар бевосита Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётганини айтиб ўтдилар. 2000 йил 9 январда сайловчиларни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Беҳзод УСМОНОВ,
Неъмат ДУШАЕВ
(ЎзА)

Президент совғалари топширилди

Юртимизда Янги йил арафасида улкан арча атрофида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларига Президент совғаларини улашиш анъанага айланиб бормоқда.

29 декабрь куни пойтахтимиздаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида шундай тантана бўлиб ўтди. Тадбирга Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилди. Бу ерда уларни Қорбобо, Қорқиз каби эртаклар қаҳрамонлари кутиб олди.

Болаларни тотувлик, биродарлик, яхшиликни улуғлашга чорловчи ва турли ажойиб-ғаройиб воқеаларга, шўх-шодон қўшиқ ҳамда рақсларга бой «Президент арчаси» байрамига «Томоша» болалар фольклор театр студияси, таниқли эстрада юлдузлари алоҳида қувонч бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов болажонларни Янги йил билан қутлаб, уларга Президент совғаларини топширди.

(ЎзА)

Суратларда: тантаналардан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (Ўза) олган суратлар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Аёл шаънига доғ

Уругвайлик 31 ёшли аёл ўн уч йил давомида ўзининг янги туғилган бешта боласини ўлдирган. Полиция берган маълумотларга қараганда, бешафқат она ўз фарзандларини бўғиб ўлдирган ва ташлаб юборган. Қўшниларига иқтисодий қийинчилик туфайли уларни бошқаларга бериб юборганини айтган.

Ваҳший жиноятнинг очилишига аёлнинг қўшниси сабаб бўлди. У бола жасадини кўриб қолиб, дарҳол полиция маҳкамасига хабар берди.

Касалликлар авж олмоқда

Чеченистондан мажбуран кўчирилган ва ҳозирча Ингушетияда кун кечираётган аҳоли орасида юқумли касалликлар кўпаймоқда. Албатта, бундан биринчи навбатда болалар азият чекяпти. Айни пайтда аҳоли орасида ўткир ичак хасталиги авж олган. Ҳозирги кунга келиб, ўн тўрт ёшгача бўлган 665 нафар бола мазкур хасталик билан оғриган. Улардан 284 нафари касалхонага жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ўн беш бола вирусли гепатит билан касалланди. Улар дарҳол касалхонага ётқизилди. Ачинарлиси шундаки, ҳатто ёш болалар ўртасида туберкулёз ва педикулёз касалликлари учраб турибди. Маълумотларга қараганда, етти нафар ўн тўрт ёшгача бўлган бола туберкулёз билан оғриган, яна 2133 бола педикулёзга чалинган.

Табиат инжиқликлари

Хитой шарқидаги Гуандун вилоятида ҳавонинг қаттиқ совиб кетиши оқибатида маҳаллий қишлоқ хўжалигига катта зарар етди. Маълумотларга қараганда, Чжанцзян шаҳри атрофидаги 1 миллион му (1 гектар 15 муга тенг) ердаги экинни совуқ урган. Бунинг зарари 3 миллиард юанни (1 АҚШ доллар 8,2796 юанга тенг) ташкил этади.

Шунингдек, вилоят ғарбидаги Маомин шаҳри ҳам табиат инжиқлигидан холи эмас. Шаҳар теварагидаги маҳаллий қишлоқ хўжалиги 2 миллиард юан миқдорида зарар кўрди.

(ЎзА)

Олис қишлоқдан Францияга

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Мамлакатимиз Президентининг Қашқадарё вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашувида: «Чироқчилик ўн яшар Сарвиноз Эргашеванинг Франция ва Испанияда ўтказилган халқаро шахмат турнирларида иштирок этгани, унинг келажагига катта умид уйғотади», деган сўзларидан чироқчиликлар фахрланиб юришибди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Шомурод Тоғаев билан Увада қишлоғида жойлашган Қори Ниёзий номли мактабга келдик. Ўқувчиларнинг кўзларида илмга ташналик, эртанги кунга умид ёниб турганини кўрдим. Сарвиноз дарсда экан. Унинг отаси Абдикамол Эргашев ва ўқитувчилари билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишича, шу кичкина дашт қишлоғида шахмат ўйини алоҳида меҳр қозонган экан.

— Наҳотки, фақат шахмат, бошқа ўйинларга рағбат йўқми? — қизиқиб сўрайман.

— Ҳа, ишонаверинг, — такрор айтади Абдикамол Эргашев. — Гаштак, гурунгларда ҳам шахмат ўйнаймиз. Қишлоқда бу ўйиннинг ёйилишида Шуҳрат бобо, Холлиёр бобо Жониевларнинг хизмати катта бўлган. Биргина шу мактаб ўқувчиларидан Зоҳид Қориев спорт устаси, Дилшод Пардаев спорт усталигига номзод, Мустафо Муҳаммадиев, Дилфуза ва Наргиза Абдуллаевалар биринчи даражали шахматчилардир.

— Айтишларича, Сарвинозни ўзингиз тарбиялаган экансиз.

— Иккита фарзандим бор, — дейди Абдикамол. — Ўзим бошламагунча тўғараклар ишламасди. Шу йили менга шахмат тўгараги тузиб беришди. Бу ўйинга ёшлигимдан қизиқардим, энди билганларимни ўқувчиларга ўргата бошладим. Сарвиноз ёшлигидан шахматни ўрганиб олган эди. Унинг қобилияти ҳам тасодифан очилди. 1995 йили ўқувчилар ўртасида Шаҳрисабзда ўтказилган вилоят шахмат мусобақасига олиб бордим. Бир ўқувчимизнинг ёши катта чиқиб қолди. Ҳеч илож қолмаган эди, командани тўлдириш учун эндигина шахматни ўрганган Сарвинозни рўйхатга киритдик. У 8 ўйиндан 4 тасида ғолиб чиқди. Шундан кейин унга алоҳида эътибор бера бошладим. Сарвиноз Амир Темур бобомизнинг қутлуғ тўйига бағишланган ёшлар ва катталар ўртасидаги мусобақада юқори натижани қўлга киритди. Тўқсон олтинчи йили вилоят биринчилигида ғолиб бўлди. Ёшлар ўртасида ўтган биринчи республика чемпионатида 1-даражали шахматчи номини олди. Тўқсон еттинчи йилнинг мартида 10 ўйиндан 8,5 очко тўплаб, Ўзбекистон чемпиони бўлди ва Францияда ўтадиган халқаро турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Франциянинг Кан шаҳрида ўтган халқаро шахмат турнирига Сарвинозни олиб бордим. У 11 ўйиндан 6 тасида ғолиб бўлди. АҚШ, Аргентина, Канада, словакиялик шахматчиларни мағлуб этди. Бирорта ўйинда келишишга рози бўлмагани учун унга «муросасиз шахматчи» номини беришди. 1998 йилнинг мартида ўтган мусобақаларда қатнашиб, иккинчи марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1999 йилнинг февралида катта ёшлилар ўртасидаги мусобақада қатнашиб, учинчи ўринни эгаллади. 12 ёшида олий лига ўйинларида қатнашди. Осиё чемпионатида биринчи ўринни олди.

Ниҳоят Сарвиноз келгач, уни аста-секин гапга солдим:

— Мана сен, Франция ва Испанияда ўтказилган мусобақаларда иштирок этибсан. Таниш-дўстлар орттирдингми?

— Францияда Лаура деган қиз билан танишдим, — дейди Сарвиноз. — Ўйинда ютқазди, Америкадан экан. Онаси ҳам мен билан суҳбатлашди. Хат ёзиб турайлик, деди.

— Юртбошимизнинг сен ҳақингда айтган гапларини эшитдингми? Шунда нималар ҳақида ўйладинг?

— Ҳа, телевизордан гапирганларини эшитдим, — дея бийрон жавоб беради Сарвиноз. — Биз болалар юртбошимизни жуда яхши кўрамиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлсинлар. У кишига салом айттанимни ёзинг...

«Албатта, шундай деб ёзаман», дейману ўйга толаман. Оддий қишлоқ хонадонида ўсиб-улғайган бу қизалоқнинг орзулари қанчалар тиниқ ва теран. У моҳир устозлардан сабоқ олмаган. Айтишича, мактабда чет тили яхши ўқитилмас экан. Аммо у келажакка ишонч билан қарар экан. Бу умид ва орзулар албатта, ушалади. Янги мактаблар қурилади, қишлоқлари газланади, кўркам уйлар қад кўтаради. Чунки, юртбошимиз соғлом, баркамол авлоди тарбиялаш вазифасини қўйдилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Табиий офатдан эҳтиёт бўлинг!

Кейинги йилларда дунё бўйича табиий офатлар сони бошқа йилларга нисбатан анча кўпайгани кўпчиликка аён. Маълумотларга қараганда, турли хилдаги фавқулодда ҳодисалар сўнгги 150 йил ичида 1998-1999 йиллардагидек кўп содир бўлмаган. Бу йиллар республикамиз учун ҳам осон келгани йўқ. Шундай бўлса-да, юртбошимизнинг бу масалага бўлган жиддий эътибори, ўз вақтида ишлаб чиқилган аниқ режалар, фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Бундай ютуқларни қўлга киритишда нафақат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат кўчкини кузатиш хизмати ва бошқа тузилмаларнинг ҳам муносиб улуши борлигини айтиш жоиз.

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани қўшни Сурхондарё вилояти билан чегарадош бўлиб, асосан тоғ ва қир-адирлардан иборат. Бу туман ўзининг иқлими ва жўғрофий жойлашувига кўра сел ва кўчки рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган ғўшалардан ҳисобланади.

Туман марказидан олтмиш чақирим нарида, яъни «Бошчорбоғ» жамоа ширкат хўжалигига қарашли Ёна қишлоғи ўртасидан Кичикўра дарёси оқиб ўтади. Дарёнинг кунгай томонидаги қирда олти хўжалик истиқомат қилади. Қишлоқ ёнада жойлашганлиги учун ҳам шу ном билан аталади.

Илгарироқ, бу ерда кўчкининг икки босқичда кузатилгани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига маълумот келиб тушган. Аҳолини зудлик билан кўчириш, уларга янги уй-жой қуриш ва томорқа участкалари ажратиб бериш тўғрисида вазирлик ва унинг вилоятдаги бошқармаси туман раҳбариятини бир неча марта огоҳлантирган эди. Бироқ бу масала ҳанузгача ўз ечимини топганича йўқ. Ана шу муаммо тафсилотларини чуқуроқ ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг раҳбар кадрлар тайёрлаш маркази раҳбари Бурхон Турдиев, аҳолини ва ҳудудларни ҳимоя қилиш бўлими катта офицери, подполковник Эшқул Эргашев, Деҳқонобод туман фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи Собир Набиевлар ҳамроҳлигида Ёна қишлоғида бўлдик. Маълум бўлишича, туман раҳбарияти Хирмонжой деган ердан жой ажратганига қарамай, хавфли ҳудудда яшовчи аҳоли кўчиб ўтишга унчалик шошилмаяпти. Нега? Сабаби, у ерда ҳеч қандай шароит йўқ эмиш. Аҳоли доимий яшаш учун танланган жойнинг эса эгаси бор.

Деҳқонобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Йўлдош Тошмировнинг айтишига қараганда, хавфли ҳудудда яшовчи аҳоли талаб қилаётган боғ тўғрисида шу қишлоқлик бошқа бир шахс билан «Бошчорбоғ» жамоа ширкат хўжалиги ўртасида йигирма йил муддатга тузилган ижара шартномаси мавжуд экан.

— Кўчки хавфи остида яшаётган аҳоли учун истаган жойдан 20 сотихгача ер майдони ажратиб, уларнинг кўчиб бориши ва уй-жой қуришига қўлдан келганча ҳаракат қиламиз, ҳатто туман марказидан бўлса ҳам ер участкаси беришга, транспорт билан таъминлашга тайёрмиз, — деди Й. Тошмиров. — Бироқ уларни кўндириш анча мушкул бўлаяпти. Устимиздан юқори идораларгача ёзишни тўхтатишмаяпти. Нима қилишга ҳайронмиз. Ҳозирги кунда бу иш юзасидан тегишли идоралар жиддий шуғулланаяпти. Ўйлайманки, аҳоли билан бир муросага келамиз.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари билан бўлиб ўтган суҳбатимизга ҳам анча бўлди. Бу масала хусусида Ўзбекистон телевидениеси ва матбуотда чиқишлар бўлди. Бироқ...

Яқинда Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Рўзикул Холиқов билан сим орқали боғланиб, яна шу эски муаммо хусусида гаплашдик. Полковникнинг таъкидлашича, бу масала ҳамон очиқлигича қолиб келаётган экан.

Пировардида шуни айтиш керакки, инсон ҳаёти билан ўйнашиб бўлмайди. Вақт ғанимат, аҳоли ўз вақтида хавфсиз жойларга тезроқ кўчирилиши, уларга уй-жой ва томорқа участкалари ажратиб берилишини кечиктирмаслик зарур. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу адирда кучли ёмғир ва қалин қор ёққанда тупроқ нам тортиб, унинг вазни бир неча маротаба оғирлашади. Шу сабаб, катта ҳажмдаги тупроқ уюми қуйи томонга силжиб кетиши натижасида уй-жойлар кўчки остига қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки фавқулодда вазият кутилмаганда юз бериши табиий ҳол. Унинг қай маҳалда содир бўлиш вақти кафолатланмаган. У ҳеч қачон, ҳеч кимдан сўраб келмайди.

Азамат СУЮНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот котиби

Янги минг йиллик қачон бошланади?

Мулоҳаза, мунозара

Милоднинг 284 йили (яъни бундан 1715 йил илгари) Римда сарой қўриқчиларининг бошлиғи Диоклетиан исмли шахс ҳокимиятни қўлга олиб, императорлик тахтига ўтирди ва ўз шахсига худоларга сиғингандек сиғинишликни талаб қилди. У христианларнинг ашаддий душмани бўлиб, уларнинг бўйсунмаганларини қувғин остига олди, зиндонга солди ва қатл қилди. Ўзи тахтга ўтирган йилдан бошлаб янги йил ҳисобини очишни талаб қилди ва шунга эришди. Диоклетиан эраси иш бошлади. Диоклетиандан сўнг тахт учун курашда Константиннинг қўли баланд келиб, кураш унинг ғалабаси билан якунланди. Константин христиан динига ҳайрихоҳлик билдириб, 325 йилда Никей (Туркия)да христиан черковлари бошлиқларининг фавқулодда Кенгашини (Собор) чақирди ва унга императорнинг ўзи раислик қилди. Ушбу Собор христианлар ҳаётида тегишли муҳим тарихий воқеа бўлди. Унда Янги Завет (Новый Завет)нинг матни узул-кесил тасдиқланди. Мазкур Кенгаш барча христианлар зиммасига пост (рўза) мажбуриятини юклади. Шунингдек, унда кўп йиллардан буён баҳсли бўлиб келаётган масала — пасха байрамини (Христоснинг «тирилган» кунини) нишонлаш масаласи ҳал қилинади.

Пасхалий тузиш жараёнида унинг миясига «Нега энди пасхалийни, бир вақтлар христианларни қувғин қилиб, уларга жабр ва зулм кўрсатган золим бутпараст Диоклетианнинг эрасидан бошлаш керак?» деган фикр келади. Шу ўй сабаб бўлиб, у навбатдаги пасхалийни Исо пайғамбарнинг туғилган кунидан бошлаган тақвим бўйича тузишга қарор қилади. Исо пайғамбарнинг ердаги ҳаётини ёритган христианларнинг муқаддас Инжил китоби, пайғамбар 30 ёшида бутга қоқилганидан сўнг 25 мартда, якшанба куни қайта тирилганини ва айнан шу куни «биринчи байрам» сифатида нишонлаганини маълум қилади. Шуни асос қилиб, Дионисий 25 март якшанбага тўғри келган йилларни қидирди ва топди. У Диоклетиан эраси бўйича 279 йилга тўғри келди. Ҳафтанинг маълум кунига аниқ бир куннинг тўғри келиши (жумладан, якшанба куни қайтадан 25 мартга тўғри келиши) 532 йиллик даврга тенглигини олимлар ўша даврларда аниқлаган эдилар. Шу боисдан 532 дан 279 ни айирсак 253 қолади. Бинобарин, Деоклетиан эрасидан 253 йил олдин якшанба куни — биринчи пасха байрами — Христоснинг қайта тирилган куни нишонланган.

Энди XXI асрнинг қачон бошланиши масаласига келсак, ҳар бир аср юз йилликлардан иборат эканлигини англаган ҳар бир киши учун у 2001 йилнинг 1 январидан киришини тушуниш қийин эмас. Чунки биринчи юз йиллик ўз ичига бирдан 100 гача йил даврни, 2-юз йиллик 101-йилдан 200 йилгача даврни (200 йилни ҳам ўз ичига олиб) ва ниҳоят, 20-юз йиллик (XX аср дегани) 1901 йилдан 2000 йилгача (2000 йилни ҳам қўшиб) даврни ўз ичига олади. Бинобарин, XXI аср билан бошланадиган янги минг йиллик 2001 йилнинг 1 январидан бошланади!

Шу эътиборга олинса, 2000 йил кирганда, XX асрнинг 99 йили ўтиб, 100-йили бошлангани ва 2000 йилнинг охирида 31 декабрь соат 24 да эса мазкур аср роса юз йил билан тўлгани аён бўлади. Айнан шу вақтдан XXI аср «эшик қоқиб» таширриф буюради. Буни чизмада қуйидагича акс эттириб кўрсатиш мумкин. Чизманинг тепа қисмида (А) ернинг Қуёш атрофида айланиш траекторияси сони, пастда эса (Б) ернинг Қуёш атрофида айланишлар сони ва унга мос йиллар келтирилган. Ҳаммамизга маълумки, Ер ўртача 365,25 кун ичида Қуёш атрофини бир бора тўлиқ айланиб чиқади. Шу билан бирга, Қуёш ҳам ўз ўрнида, галактикамиз бўйлаб секундига 240 км. тезлик билан ўзи мўлжаллаган манзили томон шитоб билан ҳаракат қилади. У ҳолда сайёрамизнинг фазодаги ҳаракат йўли «А» чизмада кўрсатилган спирал кўринишида бўлади. Агарда чизмадаги «а» нуқта сайёрамизнинг 532 йилги ҳолатига мос келади десак, «в» нуқтага келганида, сайёрамиз Қуёш атрофини бир маротаба тўла айланиб чиққан бўлади, яъни бир йил ўтган бўлади. Сайёрамиз Христос туғилганидан кейин 532 маротаба Қуёш атрофида айланиб чиққачгина «а» ҳолатга етиб келган, яъни Христос туғилганидаги сайёрамизнинг ҳолати «с» бўлса, «а» ҳолатини 532 йил ёки бўлмаса, сайёрамизнинг Қуёш атрофида тўлиқ 532 маротаба айланиб чиқишига тенг бўлган спирал йўл ажратиб туради. Ҳозир сайёрамиз шитоб билан «к» ҳолатга интилиб бормоқда Бу ҳолатга 1 январь куни етиб боради ва бунда сайёрамизнинг Қуёш атрофидаги айланма ҳаракатлари сонини «с» нуқтадаги ҳолатига нисбатан, яъни Христос туғилган кунидаги ҳолатига нисбатан санасак, 1999 маротаба тўлиқ айланиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, сайёрамиз «к» нуқтасидан бошлаб ўзининг 2000 гинчи маротаба айланишини бошлайди. Яъни, 2000 йил бошланади. Сайёрамиз «г» нуқтага етиб борганида унинг Қуёш атрофидаги 2000 чи маротаба айланиши тугайди ва 2001 маротаба айланиши бошланади, яъни «г» нуқтада 2000 йил тугаб, 2001 йил бошланади. Шундай қилиб инсоният янги минг йилликка 2000 йилнинг 31 декабридан 2001 йилнинг 1 январига ўтар кечаси соат 12.00да қадам қўяди. Демак, келаётган 1 январда биз 2000 йилни бошлаймиз. Иккинчи минг йилликнинг охирги йилига қадам қўямиз. Шу тариқа вақт ўқида ҳозир биз 1999 белгисига яқинлашаётирмиз ва ушбу белгига етгач 2000 йил бошланади ҳамда 2000 йил 365 кун ўтгач, яъни сайёрамиз Қуёш атрофида яна бир бора тўлиқ айланиб бўлгач тугайди. Бу «а» шакл сайёрамизнинг «г» ҳолатига тўғри келади. Демак, сайёрамизнинг «а» шаклдаги «г» ҳолати янги учинчи минг йилликка қадам қўйиш нуқтаси бўлади. Шундай қилиб яна бир йилдан кейин инсоният учинчи минг йилликка ҳамда XXI асрга қадам қўяди.



Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор.
Мамадмусо МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Кимошдиға эътибор

Самарқанд кўчмас мулк биржаси томонидан шу йилнинг 20 декабрь ҳолатига 126 та савдо ўтказилди. Шулардан 46 таси кимошди, 80 таси биржа савдоларидир.

Ушбу савдоларда жами бўлиб 1226 та объект 276451.0 минг сўмга сотилди. Шуларнинг 446 таси уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун, 780 таси кўчмас мулклардан иборатдир.

— Аёллар йилида 100 дан зиёд нозик қалб эгалари ким ошди ва биржа савдоларида иштирок этишиб, мулк эгалари бўлишди, — дейди биржа директори Абдураҳмон Аҳмедов.

Савдолар жараёнида шу нарса равшан бўлмоқдаки, талаб асосан, уй-жой қурилиши майдонларига, автотранспорт ва бошқа кўчмас мулкларга юқори бўлмоқда.

Биржа ходимлари янги йилни янги меҳнат зафарлари билан қарши олиш мақсадида катта ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Янги кашфиётлар сари

Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамиятида Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника қўмитаси билан ҳамкорликда «Янги минг йиллик ёш олимлари — янги кашфиётлар сари» мавзуида илмий семинар бўлиб ўтди. Семинарда сўзга чиққан Олий аттестация комиссиясининг раиси, академик Шавкат Аюпов ёш олимларни ОАКнинг талаблари ва вазифаси билан таништирди. Ўзбекистон Фан ва техника илмий ахборот фонди директор муовини Бахтиёр Абдураҳимов ўз маърузасида ёш олимларга грант олиш учун барча соҳадаги лойиҳаларда фаол қатнашиши кераклиги хусусида атрофлича тушунтириш берди.

Равшан ШОДИЕВ

Хорижга очилган йўл

«Супертекстиль» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига 1991 йили асос солинган. Таъсисчилари "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси ҳамда Американинг "Ай-Ти-Ай Трейдинг интернейшнл" компанияси. Қўшма корхонанинг низом жамғармаси 7,1 миллион АҚШ долларига тенг. Томонлар корхонага тенг миқдорда маблағ сарфлаган. Пахта толасидан жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган калава ип йигиришга ихтисослашган қўшма корхона шу йил август ойида тўла лойиҳа қувватига эришди. Ноябрь ойида эса ип йигириш режасини 179 фоиз қилиб бажарди ёки дастгоҳларнинг лойиҳа қувватидан 106 фоиз фойдаланишга эришилди.

— Ўтаётган 1999 йилда мени энг тўлқинлантирган ҳодиса Президентимизнинг Жанубий Кореяга сафари бўлди, — дейди қўшма корхона директори Қаҳрамон Сардиев. — Айниқса, "Кабул текстайл" компанияси билан бир миллонга яқин тўқимачилик дастгоҳларини Ўзбекистонга олиб келиш ва энг замонавий корхоналар қуриш ҳақида келишиб олингани республикамизда тўқимачилик саноати энди тараққиёт йўлига тушишидан далолат беради. Ахир, пахтани тола сифатида сотиш туфайли қанчаданқанча қўшимча фойдадан маҳрум бўлаётган, қишлоқ жойларда эса янги иш ўринлари очишга қийналаётган эдик-да!

"Супертекстиль" қўшма корхонасини айланиб кўрган киши Қаҳрамоннинг куйиниб юриши бекор эмаслигига амин бўлади. Швейцариянинг "Ритер", Германиянинг "Цинзер", Японияннинг "Мурата" фирмалари дастгоҳлари ўрнатилган озода ва кенг-ёруғ фабрикада туну кун ҳаёт қайнайди. Корхона омборида фақат хом ашё сақланади, тайёр маҳсулот эса қадоқланиши биланоқ харидорларга жўнатилмоқда. Харидорлар олдиндан пулини тўлаб қўйиш учун ҳам навбатда туришади. Чунки "Супертекстиль"да тайёрланган сифатли калава ипни ишлатаётган тўқимачилик корхоналарида дастгоҳларнинг иш унуми икки-уч баробар ошишини харидорлар яхши билишади.

Тошкент халқа йўли яқинида жойлашган корхонада асосан атрофдаги маҳалла ва қишлоқларнинг уч юзга яқин қиз-жувонлари ишлайди. Бу ерда бирорта ҳам хорижлик мутахассис йўқ. Мураккаб дастгоҳларни ишлатишга эса ўнўн беш маҳаллий муҳандис масъул. Маркетинг ва менежмент масалаларини ҳам ўзимизнинг кадрлар ҳал қилмоқда. Ўтган йили хорижга йигирма тонна маҳсулот жўнатилган бўлса, бу йил юз тоннадан зиёд калава ип жўнатилди. Йилига 1200 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга бўлган кичик корхона учун бу кам эмас. Дунё бозорини ўрганаётган мутахассислар яқин йиллар ичида тайёр маҳсулотнинг саксон фоизини экспорт қилиш имконияти мавжудлигини аниқлашди. «Корхонамизнинг соатдай аниқ ва бир маромда ишлаётганидан мамнунман, десам ҳеч гап айтмаган бўламан, — дейди Қ Сардиев. — Биз ишни йўлга қўйиб олдик. Келажак режаларимиз ҳам ишлаб чиқилган. 1999 йил якунига кўра эллик миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. Келгуси йили эса фойда яна ҳам кўпайиши тайин. Биз дастлабки фойдани тўқимачилик фабрикаси учун, кейингиларини эса тайёр кийим-кечаклар тикадиган фабрика қуришга сарфламоқчимиз. Ҳисоб-китобларимиз бу режаларни бемалол амалга ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда».

Директор соҳанинг салоҳиятини ҳам, мавжуд камчиликларини ҳам яхши билади, десак муболаға бўлмайди. "Малика" трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Бухородаги тўқимачилик корхонасида раҳбар бўлиб ишлаган кезларини муҳандис-техник ходимлар ҳам, оддий ишчилар ҳам доим эслаб юришади. Бу корхоналарнинг доврўғ солган даврлари унинг номи билан боғлиқ. Ҳозир "Супертекстиль"да ускуналарнинг техник ҳолатига жавобгар бўлган Э.Соколов бир вақтлар Қаҳрамоннинг даъвати билан Ивановодан Бухорога келган эди. Гдлянчилар билан олишиб чарчаган раҳбар Тошкентга қайтганида Э.Соколов ҳам устозининг ортидан келди. Бошқа муҳандислар ҳам иш билган раҳбарга эргашган ёшлар.

"Нафақат мен ўзим, балки барча муҳандисларимиз "Супертекстиль" корхонасининг ташкил бўлишида катта тажриба тўпладик, - дейди Қаҳрамон. - Энг замонавий дастгоҳларни топиб келиш, ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш жараёнлари катта мактаб бўлди. Ҳозир лойиҳа қувватидан ошириб ишлаётганимиз ҳам шунинг исботи. Биз дастгоҳларимизнинг қувватини охирги мисқолигача сўриб оляпмиз. Тўқимачилик соҳасида ҳар беш-ўн йилда янги технология пайдо бўлишини ҳисобга олсак, бунинг энг тўғри йўл эканлиги билинади. Ҳозир уч сменада ишлаяпмиз. Янги йилдан тўрт бригадали ўзгарувчан график асосида ишлашга ўтамиз. Шунда корхонамиз тўхтовсиз ишлайдиган бўлади.

Менинг орзуйим - биз тўплаган тажриба фойдасиз қолиб кетмаса! Ҳозир қишлоқ жойларда ҳам кўплаб кичик-кичик саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Лекин энг кўп ва энг катта фойда келтирадиган пахта толасидан маҳсулот тайёрлаш ишлари суст. Ҳажман бизнинг корхонамизга тенг бўлган фабрикаларни аслида барча туманларда қуриш имконияти мавжуд. Битта туманда замонавий дастгоҳларга хизмат кўрсата оладиган ўнўн бешта мутахассисни топиш мумкин. Топилмаса, мана, бизнинг корхонамиз, шу ерда ўқиши ва тажриба орттириши мумкин. Ахир, чет элга доллар сарфлаб боргандан кўра, ўша долларга дастгоҳ сотиб олиб, мутахассисларни Тошкентда ўқитиб олиш арзонга тушади-ку! Шунингдек, биз маркетинг ва менежмент соҳаларига ҳам мутахассисларни ўқитишимиз мумкин. Ўшанда, Президентимиз айтганидек, пахта толаси бир сўм ўрнига олти-етти сўмлик фойда келтира бошлайди".

Қўшма корхонада ишчи ва хизматчилар ўртача йигирма тўрт минг сўмдан маош олишмоқда. Аввллари овқат пули сифатида ойликка уч минг сўмдан қўшиб бериларди. Яқиндан бошлаб корхона қошида уч сменада ишлайдиган ошхона ишга туширилди. Унга ҳар бир ишчи учун корхона ҳисобидан тўрт ярим минг сўмдан ўтказилди. Моддий жиҳатдан қийналиб қолган ишчи ва хизматчиларга, шунингдек, тўй ва бошқа маъракалар ўтказаётганларга ҳамда даволаниш учун мунтазам суратда ёрдам пули бериб турилибди. Шундай шароит қишлоқ туманларда ҳам пайдо бўлса, республикамиз аҳлининг турмуш тарзи қанчалик ўзгариб кетарди! Ишлаб чиқариш билан банд корхона қошида хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам жадал ривожланиши эътиборга олинса, республикамиз бўйлаб қанчадан-қанча янги иш ўринлари очилишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Мусулмон НАМОЗ

Тўлов ва тушумларда янглишиб бўлмас

Давлат бюджетининг бадастрлиги тўлов ва тушумларнинг узлуксизлигига боғлиқдир. Афсуски, кўпгина йирик корхоналар бирлашма, жамият ва фирмаларда турли мақсадлардаги тўловлар вақтида амалга оширилмаяпти. Айтайлик, баъзи корхоналар коммунал хизмати, электр энергияси каби тўловларни тўламаслиги оқибатида давлатдан қарздор бўлиб қолишмоқда. Бозор иқтисодиёти тамойилларидан бирида аҳоли ижтимоий ҳимоясига алоҳида урғу берилган. Буни кўп болалик ва кам таъминланган оилаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимояланишида кўриш мумкин.

Бироқ, ўз-ўзини бошқариш органлари —маҳаллаларда бундай ўзига хос тартиб-қоидаларга амал қилиш баъзида кўнгилдагидек амалга ошмаяпти. Айниқса, оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган даромад миқдорини нотўғри ҳисоблаш ёки белгиланган мезондан даромади ошганига қарамай, ёрдам пули тўлаш каби ҳолларда хатоликлар кузатилмоқда. Келинг, яхшиси бу борадаги баъзи мисолларни пойтахтнинг Сирғали тумани бўйича назорат чоғида кўзга ташланган баъзи нохушликлар мисолида кўриб чиқайлик.

«Темирйўлчи» маҳалласида 5 та оилага бериладиган нафақа пули 15840, ёрдам маблағи эса 15900 қилиб белгиланган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, шу маҳаллада яшовчи Қодировлар оиласи 6600 сўм нафақа пулини йилнинг икки чораги мобайнида ноқонуний ўзлаштиргани маълум бўлди ва бу маблағ тўлалигича давлат бюджетига қайтарилди. Собир Раҳимов номли маҳаллада йил мобайнида 15 та оилага тегишинча 31606 сўмлик нафақа, 75600 сўмлик моддий ёрдам пули нотўғри берилгани аниқланди. Хусусан, Набиевлар оиласи 25350 сўмлик моддий ёрдам ва нафақа ҳужжатларини ноқонуний расмийлаштиргани учун жами 43756 сўмлик маблағни қайтаришига мажбур бўлди. Бундай нохуш ишларга йўл қўйган кишилар маҳаллаларда муҳокама қилинди, тушунтириш ишлари олиб борилди. Гап шундаки, маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқ-тартибот қоидаларини яхши билмасликлари натижасида бир ёқламалик ва нопокликка йўл қўйилгани ҳам аён бўлмоқда. Ҳокимлик қарорига биноан бир кишини ишдан бўшатиш, тўрт нафар маҳалла раиси ва котибларига ҳайфсан эълон қилишга тўғри келди.

Тежоғли иш — бежоғли

Тумандаги умумий овқатланиш корхоналарини кўздан кечириш чоғида ҳам тартиббузарликлар аниқланди. Текширилган 11 та ошхонадан 4 тасининг иш фаолияти вақтинча тўхататилди. Қолган 7 тасидан эса турли камчилик-нуқсонлар учун жарима ундирилди. 9 нафар раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилиб жарималар солинди. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналаридаги нақд пул тушумлари кўздан кечирилганида, уларни камайтириб кўрсатиш каби ҳолатлар борлиги кузатилди. Текшириш ва таҳлиллардан кейин эса бундай тушумлар миқдори 20 миллион сўмга ошди.

Коммунал фойдаланиш бошқармаси ва тураржойлардан фойдаланиш ташкилотларида олиб борилган назорат ҳам ўз самарасини берди. Маълумки, ҳар бир кўп қаватли уйларда битта-дан раис ва ўринбосар сайланиши керак. Тумандаги 1078 уйдан 950 тасидагина ана шундай қоидага риоя қилинган холос. Хўжалик ҳисобидаги тураржойларда фойдаланиш ташкилотларида коммунал хизматлар учун тўлов қарзларини узиш бўйича инвентаризация ўтказилгану, фақат кўзда тутилган 7049та шартномадан 6446 таси тузилган холос. Умумий қарзлар коммунал фойдаланиш бошқармаси томонидан 61 миллион 79 минг сўм қилиб белгиланган бўлса, текширишлардан кейин бу сумма 71 миллион 38,4 минг сўм бўлиши кераклиги аниқланди. Албатта, бундай камчиликлар бўйича чора-тадбирлар белгиланди. 5 нафар тураржойлардан фойдаланиш ташкилот раҳбарига ҳайфсан эълон қилиниб, 6 нафар бош ҳисобчи вазифасидан озод этилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш билан боғлиқ фармон ижроси текширилганда ҳам анчагина камчиликлар аниқланди. Шунинг учун ҳам 15 та турли хил маиший хизмат кўрсатиш корхона ишчи-хизматчиларига 64 минг сўм миқдорида жарима солинди. Бир сўз билан айтганда туманда назорат текширув ишларига катта эътибор берилмоқда. Жойларда тўлов ва тушумларни вақтида ва узлуксиз бўлиши билан боғлиқ юмушларнинг кўнгилдагидек адо этилиши йўлида қатор тадбир белгиланган. Мақсад аҳоли ва турли соҳа раҳбарлари ўртасида бу борадаги ҳуқуқ-тартибот қоидаларига риоя қилинишига эришишдан иборат.

Шавкат ТУРҒУНОВ,
Сирғали тумани назорат инспекцияси бошлиғи муовини

2000 йил — «Соғлом авлод йили» *Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

Электроника — почта хизматида

Электроника соҳасида «2000 йил муаммоси» кўндаланг турган бир кезда, яъни Янги йил арафасида Тошкент почта алоқасида технологик жараёнларни автоматлаштириш тизимининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистонда илк бор бундай лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу эса «Тошкент почтамти» ОТҲЖда хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифатини оширишга, почта хизматининг кўпгина қўшимча вазифаларини, «Почта — банк» тартиби бўйича пойтахт аҳолисига сервис хизмати кўрсатишни ташкил этишга қадар бўлган ишларни ўзлаштиришга имкон яратади.

Ўзбекистон почта алоқаси корхоналари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш барқарорлигини мустаҳкамлаш ва унинг даражасини ошириш мақсадида мижозлар билан ишлашнинг янги шаклларини топиш йўлида ижодий изланмоқда.

Тошкент шаҳрида «Тошкент почтамти» ОТҲЖ таркибига кирувчи 161 та алоқа бўлими мавжуд. Ушбу сертармоқ шаҳобча аҳолига, корхона ва ташкилотлар, тижорат таркибларига хизмат кўрсатиш учун қулай имкониятларга эга бўлиб, улар почта хизмати учун кўплаб маблағлар ва вақтни тежашга имкон бераётир. Бироқ мазкур шаҳобча имкониятларидан тўла ҳажмда фойдаланилаётгани йўқ. Сўнгги йилларда хизматлар ҳажми, шу жумладан, хат-хабарлар, посилкалар, пул жўнатмалари, даврий нашрлар бўйича хизматлар камайди. «Тошкент почтамти» ОТҲЖнинг вазифаси, шаҳар алоқасининг туманлараро филиаллари ва бўлимлари хизматини сақлаб қолишгина эмас, балки уни хизматларнинг янги, қўшимча турларини жорий этган ҳолда кўтаришга интилмоқда. Қатор хорижий мамлакатлар, шу жумладан МДҲ почта иши тажрибаси фаол ўрганилмоқда. Электрон автоматлаштирилган хизматлар («Электрон почта» ва ҳоказо) кенг ўзлаштирилаётган ҳозирги шароитларда почта алоқасининг анъанавий корхоналари олдида илмий-техника тараққиёти муваффақиятларини жорий этиш вазифаси турибди.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Тошкент почтамти» ОТҲЖнинг Тошкент шаҳар почта алоқаси шаҳобчасида ягона корпоратив компьютер ҳисоблаш шаҳобчаси негизида технология жараёнларини автоматлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳақидаги таклиф ташаббуси қўллаб-қувватлади. Бундан мақсад алоқа бўлимларида, туманлараро филиалларда, почтамтда почта ўтишининг асосий босқичларида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобига почта жўнатмаларни қайта ишланиши ва етказишни жадаллаштиришдан иборат.

Натижада мижозлар сони янада ошади. Тошкент шаҳар телефон алоқасининг рақамли шаҳобчаларида жойлашадиган замонавий электрон техника ахборот ҳисоблаш воситаларининг мажмуалари негизида компьютер шаҳобчаси тузилади. Шахсий компьютер ўрнатилган тизим манба блоки, модем, принтер, касса аппаратидан иборат бўлиб, у операторнинг иш ўрнини ташкил этади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва дастур таъминоти «Саркор — Компьютел» МЧЖ томонидан бажарилган. Шаҳарда транспорт шаҳобчасини эса «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ОТҲЖ яратмоқда.

«Тошкент почтамти» ОТҲЖ тизимнинг буюртмачиси ва фойдаланувчиси ҳисобланади. Истиқболда лойиҳага «Алоқа банк»нинг ҳам кириши кўзда тутилмоқда. Бу почтамт билан биргаликда тўловларни қабул қилиш, пулни сақлаш нақд пулсиз каби баъзи банк операцияларини амалга ошириш масаласини ҳал этиш мўлжалланмоқда.

Тизимнинг асосий мазмуни бўлимларда, филиалларда ва почтамтда мижозларга хизмат кўрсатиш вазифаларини яратиш, шу жумладан, оператив статистика ва ҳисобот, малакали назорат, мижозлар учун энг қулай шароитларни яратиш ҳисобланади.

Тизимнинг биринчи босқичи 100-алоқа бўлимида, шунингдек, туманлараро алоқа узелида ва почтамтда операторлар ишчи ўринлари негизида яратилди ва тажриба тариқасида фойдаланишга жорий этилди. Салкам 10 иш ўрни ускуналар билан жиҳозланди. Шаҳар алоқа бўлимлари ва узелларда яна 20 иш ўрнини улашга шай бўлиб турибди. 2000 йилда алоқа бўлимлари ва филиалларининг кўпчилигини қамраб олган ҳолда лойиҳанинг тўлиқ амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Лойиҳани молиялаштириш «Тошкент почтамти» ОТҲЖнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Кейинчалик лойиҳани тўлиқ ўзлаштириш учун корхонага манфаатдор ташкилотлар, тармоқлар ва ҳокимият томонидан ёрдам керак бўлади. Ҳисоб-китобларга қараганда ушбу тизим ёрдамида кўрсатиладиган хилма-хил сервис хизматлари ҳаражатларни тезда қоплайди ва самара беради. Почта хизмати кўплаб қўшимча — телефон, коммунал хизмат, электр энергияси учун тўловларни қабул қилиш, аҳолидан солиқлар ва тушумлар учун тўловни қабул қилиш, пенсиялар ва нафақаларни тўлаш, аҳолидан манфаатли фоизлар ҳисобига омонатларни қабул қилиш, шу омонатлар ҳисобига хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш бу ва бошқа кўплаб хизматларни компьютерлаштирилган кафолат остида кўрсатиши мумкин. Масалан, телефон тармоғининг абоненти телефон учун ҳақни яқин атрофдаги алоқа бўлимига тўлаши мумкин ва бу ҳақдаги маълумот эса дарҳол тегишли АТСга етказилади. Касса почта операциялари ҳақидаги оператив маълумотлар ҳозирдагидек 5 кундан сўнг эмас, балки ҳар куни тузилади.

Суғурта почтаси, халқаро почта алмашуви, пул жўнатмалари, даврий нашрларга обуна, шартномавий тўловлар маҳсулотларни сотиш борасида ишлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Натижада ахборот электрон версияга автоматлаштирилган ҳолда узатилади.

Афзалликлар кўп. Тайёргарлик кўрган операторлар ҳозирча салкам 100 киши. Янги техника ва хизматларни муваффақиятли ўзлаштириш — аҳоли ва корхоналарга почта алоқаси хизмати кўрсатишдаги қулайликни барқарор оширишнинг кафолатидир. Тошкентда амалга оширилаётган лойиҳа вилоятларда муваффақиятли қўлланилиши мумкин.

Алишер БЕК

«ЎЗАВТОСАНОАТ»

уюшмаси жамоаси

Янги — 2000 йил — янги эзгуликлар, янги севинчу, янги саодатларга бой бўлсин.

Озод ва ҳур Ўзбекистонимиз ҳукуматининг жуда катта ғайрат-шижоати билан мамлакатимиз жаҳонда автомобиль диёрига айланиб бормоқда экан, Янги йилда ҳам минглаб хонадонларга кўркам ва учқур «саман отлар» кириб боришига ишончимиз комил.

Яратган тангрининг ўзи серқуёш Ўзбекистонимиз мусаффо осмони узра тинчлик ва хотиржамликни бир умрга ато этган бўлсин!





«Тезинтом»

Ўзбек-Олмония қўшма корхонаси

барча юртдошларимизни янги йил билан табриклайди!

Юрт осойишталигидан мусаффо осмон дарак бўлса, уй, хонадон тинчию мустаҳкамлиги унинг деразаю томидандир. Гўзал, кўркам уйларнинг томлари ҳам гўзал ва чиройли бўлмоғи керак.

«Тезинтом» корхонаси жамоаси Сизга тинчлик-хотиржамлик, ҳаётингизнинг ҳар бир куни Бахтли-саодатли ўтишини тилаб, қурилажак улуғвор иншоотлар, уйларингизга ўта сифатли ва узоқ бардошли том қопламаларини тавсия этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муҳитдинов кўчаси 1-уй. Телефон 162-42-74.

«ЎЗФАРМСАНОАТ»

Давлат акциядорлик концерни

Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги — 2000 йил билан кутлайди.

Концернимиз истиклол шарофати боис ислохотларнинг ойдин йўлларидан илдам одимламокда. Бизнинг ҳар бир ютуғимиз, ҳаракатимиз халкимиз истагига мос келишидан манфаатдормиз. Ва халкимизнинг ёркин максадлари йўлида тинмай хизмат килишдан чарчамаймиз. Янги йил юртимизда тинчлик-тотувлик, мехр-муҳаббат, саломатлик ва фаровонлик йили бўлиб колсин. Зеро, бу йилда орзу ва умидлар рўёбга никажак.

«Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концерни

XX асрнинг сўнгги йили муборак бўлсин, азизлар!

«Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси

Кўп миллатли Ватанимиз халқларини янги умидлар, порлоқ истиқбол йили бўлмиш 2000 йил билан самимий табриклайди!



Юртимизда истиқомат қилаётган барча инсонларга яхши ниятлар, улкан зафарлар тилаган ҳолда шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, биз қадрдон 1999 йилимиздан миннатдормиз. Зеро, ўтиб бораётган йилимиз иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда, юртимиз аҳолисининг дастурхонини тўкин қилишда анча баракали бўлди. Бинобарин, хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш, замонавий технологияларни қўллаш туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, сифати эса ошди. «Соғлом авлод йили»да муваффақиятларимизни бундан-да кўпайтиришга интиламиз. Ниятимиз шуки, ҳар бир хонадонда биз ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз сероб бўлсин! Барча юртдошларимизни шодиёна билан қутлар эканмиз, жонажон, келажаги буюк диёримиз иқболи ҳамиша баланд, оилалар тинч ва фаровон бўлишига тилакдошмиз!





BS
BURSEL
GROUP

жамоаси Ўзбекистон халқини Янги —

2000 йил

билан самимий муборакбод этади.





Келажаги буюк давлат Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга бутун жаҳон қизиқиш билан қарамоқда.
2000 йил — «Соғлом авлод йили»да ҳар бир хонадонда, шаҳар, қишлоқда тинчлик, хотиржамлик ва осойишталик барқарор бўлсин!

Дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин! Доимо омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон ва Туркия қардош халқлари ўртасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!

«ОСИЁ-ВЕСТ»

— OSIYO —
WEST

Ўзбекистон-Германия-Исроил
қўшма корхонаси

Барча ўзбекистонликларни

«Соғлом авлод йили»

билан муборакбод этади.

Асримизнинг сўнгги — 2000 йили ҳамма учун қутлуғ келсин. Юртимиз осмони мусаффо бўлиб, тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин. Хонадонлардан фаровонлик, қут-барака ва тўкин-сочинлик аримасин! Энг муҳими шу юртнинг бебаҳо бойлиги — инсонлар соғ-саломат ва бардам бўлсин!

Азиз юртдошлар!

«Оҳангароншифер»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси барчангизни Янги йил билан қутлайди.

Янги йил сизга бахт ва саодат улашсин. Айни Рамазон кунлари Янги йилга пешвоз чиқиш ҳам қалбимизни ёруғлик нури билан лиммо-лим этади. Кўп миллатли жамоамиз халқимизни сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверади.

Юртимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга ошган ва рўй берган ижобий ўзгаришларни астойдил қўллаб-қувватлаймиз. 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ёш авлодга нисбатан чексиз ғамхўрлик намунасидир.

Демак, бизнинг келажагимиз чароғон бўлғуси.

Юртимизда тинчлик барқарор бўлсин.

Она-Ватанимизнинг шиддат билан тараққий топиши, дунёнинг илғор давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлиб бориши учун халқимиз сафида «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшаверади.

Ватан равнақи учун жонини фидо қилишга шай ватандошларимиз сафи кенгаяверсин.



ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!

Янги — 2000 йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Янгийўл «АПКО Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акционерлик жамияти жамоаси

XXI аср сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг барча фуқароларини

Янги — 2000 йил билан

самимий табриклайди!

Шуни қувонч билан айта оламизки, асримизнинг сўнгги йилида бизнинг қандолат маҳсулотларимиз янада сероб бўлади. Эл дастурхонини ширин-шакар маҳсулотлар билан тўлдирамиз. Халқимизни байрам билан қутлар эканмиз, аввало юртимиз тинч бўлсин, деймиз. Тинчлик, барқарорлик бор жойда доимо барака, фаровонлик бўлади. Ҳар бир оила, ҳар бир гўшадан бахт-саодат, тотувлик, осойишталик ва тўкин-сочинлик узилмасин. «Лаззат»нинг лаззатли қандолатлари ҳамиша Сизнинг дастурхонингизга файз-барака киритсин!

«NATIONAL ELECTRONICS, INC». AMERICA – UZBEKISTAN

шўъба корхонаси

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг меҳнатсевар барча халқларини

қутлуғ йил — 2000 йил ҳамда

муборак Рамазон байрами билан чин қалбдан қутлайди ва биродарлик саломини йўллайди.

2000 йил мамлакатингизда янада катта тараққиёт йили бўлишига ишончимиз комил. Бу мамлакатнинг бутун ер курраси да обрў шуҳрати янада ошади. Аллоҳ таоло бу серқуёш мамлакатга саҳоват нурларини беҳад ёғдирган экан, ана шу заминни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан доимо асрасин!

Азиз ватандошлар!

«Ўзгўштсутсаноат»

давлат ҳиссадорлик уюшмаси ҳамда

«Гўштсутсаноат»

фирмаси

Сизни тобора яқинлашиб келаётган

Янги йил билан

муборакбод этади.

2000 йил ҳар биримизнинг хонадонимизга тўкин-сочинлик, файзу барака келтирсин. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик бардавом бўлсин. Шундай улуғ кунларда Сиз билан юзма-юз келиб, Сизнинг хизматингизга чоғланиш биз учун шараф ва қувончдир!

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

давлат уюшмаси жамоаси

Ўзбекистон меҳнаткашларини ва юртимиз меҳмонларини кириб келаётган Янги — 2000 йил билан самимий кутлайди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг тенгдоши бўлган «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ўтган йиллар давомида пойтахт жамоат транспортини ривожлантириш ва аҳолига маданий хизмат кўрсатиш борасида катта ишларни амалга оширди. Ҳар куни 2,5 миллион йўловчининг манзилини яқин қилишга эришилмоқда. 1218 та автобус, 254 та трамвай ва 233 та троллейбус ҳамда метрополитеннинг 191 та метро вагони аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Замонавий ва қулай бўлган Чехияда ишлаб чиқарилган трамвай-троллейбуслар, Германияда ишлаб чиқарилган автобуслар турли йўналишларда йўловчилар хизматига камарбастадир. 1999 йилда республикамизда ишлаб чиқарилган йўловчи автобуслари ҳам улар сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Яқинлашаётган 2000 йилда пойтахт транспортчиларининг 19 минг кишилик жамоаси эл-юрт хизматида бўлиш, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорини амалга ошириш борасида катта ишларни мўлжалламоқда . Натижада 2005 йилда йўловчилар ташиш 30,8 фоиз кўпаяди, айниқса электр транспорт воситалари билан йўловчилар ташиш устувор даражада ривожланади, транспорт парки янгиланади ва кенгайтирилади.

Янги йил билан! Янги бахт-саодат билан! Тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

«TOSHSHAHARYO'LOVCHITRANS»
O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahar, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 6-uy. Telefon: 34-63-42 Faks: 34-81-08.
TOSHKENT SHAHAR YO'LOVCHILAR TASHISH TRANSPORT KORHONALARI DAVLAT UYUSHMASI

Жадидлар фаолиятининг кўзгуси

ёхуд «Тирик руҳлар» романи хусусида

XX аср бошларида Туркистон заминида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг авжига миниши орқасида озодлик курашлари қизғин тус олди. Бунда жамиятнинг илғор ва миллатпарвар вакиллари — жадидлар ғоятда катта хизмат қилган эдилар. Улар мазлум халқнинг сиёсий онги ва фаолиятини жўш урдириб, уни озодлик курашига отлантирди. Шу тариқа жадидлар миллий озодлик ғояларининг ташаббускуриси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлган. Аммо ўтмишда улуғ миллатчилик сиёсатининг ҳукм суриши орқасида жадидлар «халқ душман»лари, деб асоссиз қораланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина жадидлар фаолиятини холис ва атрофлича ўрганиш имконияти туғилди. Натижада кўп асар ва мақолалар чоп этилди. Шубҳасиз, улар жадидларнинг тарихимизда тутган муҳим ўрнини белгилаш ва қадр-қимматини ўрнига қўйишда катта аҳамият касб этади. Бу борада таниқли адиб Шукрулло аканинг қаламига мансуб «Тирик руҳлар» романининг нашр этилиши муҳим воқеа ҳисобланади. Уни ўқувчилар оммаси зўр қизиқиш ва мамнунлик билан қарши олдилар.

Роман қаҳрамони жадидлар ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Убайдулла Хўжаевдир. У Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар Қори ва жадидларнинг бошқа атоқли вакиллари қаторидан ўрин эгаллаган. Шу боис унингсиз жадидлар ҳаракатини тўла тасаввур этиб бўлмайди.

Романда Убайдулла Хўжаевнинг отаонаси ва ҳаёт йўли ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Унда кўрсатилишича, у 1886 йилда Тошкент шаҳрида туғилиб, рус-тузем мактабида ўқиган. Отаси даставвал ўз хонадонида дераза ойналарига ишлатиладиган замаскани тайёрлаш билан шуғулланган. У 1900 йилдан бошлаб баққолчилик дўконини очиб, савдо билан шуғулланган. Убайдулла Хўжаев рус тилини яхши билганлиги учун 1905 йилдан суд маҳкамаларида тилмочлик қилган. Сўнгра Тошкент вилоят судида маъмурий ходим вазифасида ишлаган. Шу орада Саратов шаҳрига бориб адвокатлик касби бўйича ўқиди. У ўзбеклардан чиққан биринчи маълумотли адвокат ҳисобланган.

Кўриниб турибдики, роман қаҳрамони ўртаҳол оилада туғилиб ва тарбия олиб, ўзининг истеъдоди туфайли қонуншунос сифатида фаолият кўрсатган. У жамоа аҳли орасида камбағалпарвар ва олийжаноб киши сифатида ҳурматга сазовор бўлган. Унинг бундай фазилатлари — романда яхши ёритилган. Убайдулла Хўжаевнинг миллатпарварлиги ва жадидчилик фаолияти чор ҳукуматининг сиёсатига тамомила зид эди. Шу боис маъмурият унинг ҳар бир қадамини қаттиқ назорат қилиб, энг хавфли шахс сифатида қараган. Романда бунга доир маълумотлар баён этилган.

Убайдулла Хўжаевнинг ўз халқига муҳаббати ва золимларга нафрати 1916 йилги халқ қўзғолонига муносабатида яққол кўзга ташланди. Маълумки, чор ҳукумати қўзғолонни ваҳшийларча бостириб, кўп одамларни ўлдирди, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирди. Бу фожианинг гувоҳи Убайдулла Хўжаев империянинг пойтахти Петроградда бориб, Дума (парламент)даги ҳукуматга қарши фракцияга мурожаат қилади. У чор маъмуриятининг қўзғолончиларга нисбатан ваҳшиёна жазоларини фош этган эди. Унинг бу шикояти инобатга олиниб, махсус комиссия тузилган эди. У бу тўғрида Дума раиси А. Ф. Керенскийдан қуйидаги махсус жавоб хатини олади: «Ҳурматли Убайдулла Хўжаев, Сиз билан Петроградда учрашган вақтимизда Туркистон фуқароларининг талабларини амалга ошириш масаласида сўзлашганимиз, бундан ташқари, рус амалдорларининг порахўрлик, маиший бузуқликлари мусулмон халқларини ғазабга келтиргани, уларнинг зулми ҳаддан ошганлиги ҳақида қилган арзингиз тафтиш қилиниб, даъволарингиз тасдиқланади: шу масалалар бўйича, мен бошлиқ IV Давлат Думаси ноибларининг бир гуруҳини Тошкентга шу яқин орада бориши мўлжалланган. Кўришгунча хайр!

А. Ф. Керенский»

Романдаги бу ноёб маълумот шундан далолат берадики, Убайдулла Хўжаев ўз ватани ва халқи учун жонини тиккан инсон ҳисобланган. Чунки ўша даврдаги ниҳоятда хавф-хатарли шароитда ҳукуматга қарши чиқиш ўлимни бўйнига олиш билан тенг эди. У эзилган ва хўрланган халқнинг вакили сифатида Петроградга бориб мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга қарши бош кўтаради.

Шуниси диққатга сазоворки, романда кўрсатилишича, 1917 йил февраль инқилобидан кейин вақтли ҳукуматнинг бошлиғи этиб тайинланган А. Ф. Керенский Убайдулла Хўжаевни Петроградга чақириб олади ва ўзининг русия мусулмонлари ишлари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинлайди. Романда Убайдулла Хўжаевнинг совет давридаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топган. У Туркистон мухториятининг асосчиларидан бири ҳисобланиб, ҳарбий вазир лавозимига тайинланган. Ўша йиллардаги ниҳоятда оғир ва машаққатли шароитга қарамай миллий қўшинни тузишга эришилди. «Туркистон мухториятининг ҳарбий вазири Убайдулла Хўжаев, — дейилади романда, — миллий қўшин ташкил этишга жадал киришиб, тез орада қўшин сони 2000 кишидан ортади. Большавойларнинг қандай жавоб қилишларини кутмасданоқ, ўзига ишонч, халқ руҳини кўтариш мақсадида Убайдулла Хўжаев ўзи тузган қўшинларнинг ҳарбий кўрикларини ноғора-карнайлар, миллий қўшиқлар айтиш билан тантанавор ўтказа боради. Осмону фалакни тутиб янграган карнай, ноғора ва қўшиқ садоларидан қалблар тўлқинланган, кўзлардан қувонч ёшлари томчилар эди».

Аммо, Туркистон мухторияти большевиклар томонидан вахшиёна равишда тор-мор этилиб, минглаб кишилар ўлдирилди ва кўп турар жойлар харобага айлантирилди. Роман муаллифи бу ғайриинсоний ваҳимани кишининг қалбини ларзага соладиган даражада тасвирлаб, шоир Камийнинг қуйидаги марсиясини жуда ўринли келтиради:

Вой, юз войки, Фарғона хароб ўлди, дариғ,
Зулм ўқи бирла бу кун гарди туроб ўлди, дариғ,
Бу мусибатдин улус чашми пуроб ўлди, дариғ,
Ҳам бори катта-кичик бағри кабоб ўлди, дариғ,
Шаҳр обод эрди, чун дашти сароб ўлди, дариғ.

Ҳамза Ҳакимзода ҳам Туркистон мухториятининг тор-мор этилишидан ғазаб ва нафратга тўлиб, қуйидаги марсияни битган экан:

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.
Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,
Сафолатга алдануб, иффат йўқотган,
Фироринда тик ётур иҳват ўргатган.
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон!
Боғлу қолди қўлимиз ваҳшат домида,
Башар чатналмасунми ғафлат комида,
Кўкрак қони кўрунди ғурбат жомида,
Маҳв ўлди шармнинг нури бидъат номида
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон!

Романдан маълум бўлишича, машҳур шоиримиз Чўлпон ҳам қайғу-алам билан шеър ёзган. Ундан бир парча келтираман:

Етар, бас, чекдан ошганлар,
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Тўлуқдир, балки тошгандир
Тубонлик ҳам сафолатлар!
Қўлимда сўнгги тош қолди,
Ёвимга отмоқ истарман!
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Амалга етмоқ истарман!

Юқорида келтирилган сатрлардан кўриниб турибдики, Туркистон мухториятининг тугатилиши жамоа аҳлининг барчасини қаттиқ ларза ва нафратга солган. Романда Убайдулла Хўжаевнинг кейинги тақдири ва фаолияти ҳам ўз аксини топган. У қардош Бошқирдистонга бориб, Ҳарбий инқилобий қўмитанинг масъул котиби вазифасида ишлаб, истиқлол учун курашни давом эттиради. Бироқ бу ерда ҳам озодлик кураши тор-мор этилиб, Убайдулла Хўжаев ҳибсга олиниб, Оренбургга, сўнгра Москванинг Бутир қамоқхонасига жўнатилади. Роман қаҳрамони бир неча маротаба ҳибсга олиниб ва чиқарилиб, пировардида отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Бу хусусда муаллиф шундай ёзади: «1919-1920 йилларда қамалганда Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб, Туркистон мухторияти тузганлик, миллатчилик, пантуркизм, панисломизм каби жиноятлар билан уни айблаган эдилар. Беш-олти йил қамоқда ётиб чиққандан кейин, 1930 йилда яна қамалганида, энг оғир жиноятлар — ватан хоини, чет эл разведкаси билан яширин иш олиб борган жосус, шўроларга қарши махфий ташкилотларнинг фақат аъзоси эмас, ҳатто ташкилотчиси... каби жиноят қонунининг бир неча олий жазога ҳукм қилиш мумкин бўлган моддалари билан айбланиб отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Хотини Е. Хўжаевани эса ҳибсга олиш ҳақида ажрим чиқарилган эди. Отиб ўлдириш кейин 10 йил жазо муддати билан алмаштирилди.

Бинобарин Убайдулла Хўжаев мустақиллик ва озодлик учун курашган сиёсий арбоб сифатида айбланган. Гарчанд у 1937 йилда озод этилган бўлса-да, лекин 1938 йилда яна қамоққа ташланди. Шундан кейин у дом-дараксиз йўқолади. Афтидан у отиб ташланган.

Умуман айтганда романда Убайдулла Хўжаевнинг халқ манфаати йўлида турли жамиятларни тузганлиги, «Садои Туркистон» газетасини ташкил этганлиги ва фаолиятининг бошқа қирралари билимдонлик билан ёритилган. У шундан гувоҳлик берадики, Убайдулла Хўжаев бутун билими ва тажрибасини халқнинг озодлиги ва тараққиётини таъминлашга аямай сарфлади. Умрининг талай қисми назорат ва таъқиб, қамоқ ва каторгаларда ўтди. Аммо, ҳеч қандай куч ва ҳатто ўлим хавфи уни ўзи танлаган йўлидан қайтара олмади. Ватан ишқи ва дардида дунёдан кўз юмади. Мазкур тарихий романнинг аҳамияти шундан иборатки, у асосан тарихий ҳужжатлар асосида ёзилиб, ўша мустамлакачилик даврининг манзараси ва фожиаси юқори савияда тасвирланган.

Шуни ҳисобга олиш керакки, жадидларнинг у ёки бу лидерининг ҳаётига доир маълумотлар жуда оз сақланган. Шу боис Шукрулло ака «нина билан қудуқ қазигандек» маълумотларни тўплаб, сермазмун ва тўлақонли роман ёзишга муваффақ бўлган. Бу романда фақат Убайдулла Хўжаевни эмас, балки унинг мисолида умуман жадидчилик ҳаракатининг асл моҳияти ва аҳамиятини кўрсатишга эришилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Шукрулло ака биринчи бўлиб жадидларга бағишланган романни ёзиб, тарихимизни атрофлича ўрганиш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор

Биринчи файласуф олима

Ёднома

Мамлакатимиз ўз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Ушбу ўсиб келаётган ёш авлодни оналар ўз алласи билан эзгуликка ўргатади, уни парвариш қилиб вояга етказади.

Худди шундай халқпарвар, меҳрибон, ёшларнинг жонкуяр мураббийси, биринчи ўзбек файласуф олимаси, фан доктори, профессор, меҳрибон она Ойсара Пардаевна Умурзоқовадир.

У киши ёшлигиданоқ мактабда ўқиш билан бирга жамоат ишларига, мактаб деворий газетасини чиқаришда фаол қатнашди. Ўша даврлардан бошлаб у кишида гуманитар фанларга ўта қизиқиш бошландики, бу ўз навбатида бўлғуси олимани ўша йиллари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетининг тарих факультетига етаклади. 1954 йили университетни муваффақиятли тугатгач, меҳнат фаолиятини йўлланма билан Самарқанд шаҳридаги педагогика институтида ўқитувчилик лавозимидан бошлади. 1954-1956 йилларда Сиёб туманида ёшларга бошчилик қилди.

Олиманинг илму фанга бўлган қизиқиши Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тарих институтига олиб келди. Вилоятдан келган ўзбек қизининг илмга бўлган ташналигини сезган институт раҳбарияти 1957 йили у кишини институт аспирантурасига йўллади. Сўнгра 1958 йили май ойида фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил топгач, ушбу институтга ўтказилди.

Илмий фаолиятини асосан, машҳур аллома, институт директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ва вице-президенти, фалсафа фанлари доктори, профессор, олимлар сардори Иброҳим Мўминов раҳбарлигида бошлади. 1960 йили аспирантурани тугатгач, 1964 йилгача ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институтида аввал кичик, сўнгра катта илмий ходим лавозимида ишлади, фалсафа илмини чуқур ва ҳар томонлама ўрганди. 1971 йили О. Умурзоқова миллий масала ва миллатлараро ҳамкорликка оид номзодлик диссертациясини тугатди ва муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу даврда ўзбек аёлларидан биринчилардан илмий даражали файласуф олима шу тариқа юзага келди.

Меҳнатсевар, чаққон, тажрибали ташаббускор, ўз ишига пишиқ ёш олима О. Умурзоқова 1964 йили ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институти директорининг илмий ишлар бўйича муовини лавозимига тайинланди. У бу вазифада 1989 йилга қадар мунтазам иш юритди. Ушбу лавозимда ўзининг уддабуронлиги, ташкилотчилиги, кишилар билан ишлай олиш қобилиятини намойиш эта олди, кўп фалсафий илмий ишларнинг дунёга келишига бош-қош бўлди, ёш файласуф кадрларни бошқариш ва иш юритиш тажрибаларини бошқаларга ўргата олди. Иш даврида у институт жамоасининг меҳрини қозонди, ёш олимларни ортидан етаклади, ўз олимлик ва оналик меҳрини улардан аямади, жамоа билан кенг қамровли илмий ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

О. Умурзоқова 1973 йили «Миллатлар турмуши ва анъаналарининг яқинлашув қонуниятлари» мавзуида ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб фалсафа соҳасида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У ўзбек миллий анъаналари, удумлари, урф-одатлари ва турмуш тарзи муаммоларини илмий таҳлил қилиш ҳамда тадбирларни амалиётга тадбиқ этиб, ташкилотчиликда, фаоллик кўрсатди. Айни шу соҳа бўйича О. Умурзоқова тўртта монография, кўплаб рисолалар ва илмий тўпламлар, шунингдек, фалсафий, илмий-оммабоп мақолаларни чоп эттирди, ташкилотчи ва муаллиф сифатида кенг китобхонлар таҳсинига сазовор бўлди.

Шу билан бирга у ажойиб уй бекаси, мўмин-қобил тарбияли фарзандлар онаси эди. Бу борада у киши нафақат тенгдошлари, балки ёш шогирдлари орасида ҳам ажралиб турар, уларга ўрнак бўлар эди. Умр йўлдоши – қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ориф Комилов билан бирга тўрт нафар солих ва иқтидорли фарзандларни вояга етказди.

Олиманинг умр йўллари айни етук файласуф олим ва педагог сифатида баркамоллашган, мустақил Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий тараққиётига янада шижоат билан қатъий бел боғлаган чоғида – 1996 йилда узилди...

Мираҳмад АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

«Янги йилнинг оппоқ туни»

Юрак орзиқади. Кўнгил умидлар ортидан эргашади. Болаларнинг қувончлари чексиз. Болаларнинг кулгулари кўҳна дунёни уйғотади. Кекса асрнинг хаёлларини тўзғитади. Мўйсафид асримизнинг мудроқ кўзлари катта очилиб, оламни ёритади. Сиз янги йил арафасида турибсиз. Йил янги бўлади. Умр китобининг яна бир саҳифасига хотима қўйилиб, янги вараги очилади. Сиз ҳам шодликлар ортидан йўлга чиқасиз, унга қўшилиб келаётган йилни қарши оласиз. Ўтаётганига маъюс тикиласиз. Шунда шоир ибораси билан айтганда «қалб нозиклашади». Ундан майин оҳанг таралади. Янги йилнинг ширин, гўзал дамлари, қалб торларини черта бошлайди. Сенинг умринг ўтаяпти, дейди бу оҳанглар. Яна битта йил сени янгисига узатаяпти, дейди бу қўшиқлар. Тепангда қиш бўлишига қарамасдан сариқ, яшил ранглар билан уйғунлашиб кетган, кеча ёққан қордан бошларига оқ рўмол ўраган дарахтлар ўз япроқлари айрилишни истамай маҳзун. Бу ҳолат сени, янги йиллар ҳақида ўйлашга ундайди. Ўтаётган йилнинг сўнгги кунларига армон ва умидлар билан қарайсан. Бир азиз кишингни йўқотаётганга ўхшайсан, кимнидир, ниманидир қўмсайверасан.

Янги йилнинг яқин оппоқ тунни
Болалар орзиқиб тунни кутади.
Ўтган йили учган нафис қор учқуни,
Янги йил сарҳадин бузиб ўтади.

Сен ҳижжалаб ўқиётган бу сатрлар, сенда кечаётган оламлар билан қўшилиб кетади. Қувонч қайғуради. Изтироб шодланади. Сен йўқотаётган туйғунги, янги йиллар ваъда қилади. Ўтаётган йил гуноҳкорона узр сўрайди. Сен «Янги йилнинг яқин оппоқ туни»да мана шулар ҳақида ўйлайсан.

Қуёш бобо булутнинг қалин кўрпаларини иткитиб ташлаб, она Ер томон интилади. Тунда ёққан қор эрий бошлайди. Худди мана шу каби Янги йил орзу-умидлари сени ҳам буткул эгаллаб олади. Ортда қолаётган йил ҳақидаги ўйлар ўрнини янги истаклар, илинжлар, соғинчлар тўлдиради.

Болалар ҳовлиқиб янги йил кутади,
Менга эса йил кузатиш — ғам:
Қилт этиб узилган битта япроқ ҳам
Нақ қалбимга тегиб ўтади...

Бу сатрлар улкан шоир Асқад Мухторникиси. Ҳар қандай қалбни, сўзни уйғотиб юборади. Қувонч ғам билан уйғун эканлигига, бирини кутиб олаётган бўлсанг, бошқасини бир умр кузатаётганинг ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Мен Янги йил замондошларим учун яхшиликлар олиб келишини истайман. Улар ҳар бир ўтаётган йилларни мазмунли ўтказмоғини умид қиламан. «Янги йилнинг оппоқ туни»нинг ўйлари барчангизга ҳамроҳ бўлсин.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Xolmatjon» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар бир ой ичида қабул қилинади. Тел:100-80-73.

«Ўзбекгазсувқурилиш» акциядорлик жамияти жамоаси Олтиариқ саноат омбори директори Обидов Ҳамиджонга оналари **ЗОҲИДОВА Саодат аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқаро Шароф Рашидов фонди жамоаси

Мустақил Ўзбекистонимиз ҳудудида истиқомат қилувчи азиз онажонлар, оқсоқоллар, меҳнат ва уруш фахрийлари, ака-ука, опа-сингиллар, жажжи қизларимиз, ҳамма-ҳаммани кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этади. Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга ҳамжиҳатлик, ишларингизда юксак зафарлар тилаймиз. Мустақил давлатимиз янада ривож топиб, мустаҳкамланаверсин. Янги йил бўйи тўкин дастурхон, хурсандчилик аримасин, яхши ниятларимиз ижобат бўлсин. Ўтган азизлар руҳи-поклари шод бўлсин! Оллоҳ ҳаммамизни ўз паноҳида асрасин!

Ўзбекистон халқини кириб келаётган

Янги йил билан

чин қалбимиздан табриклаймиз!

Барчангизга мустаҳкам соғлик ва катта бахт-саодат тилаймиз!

surkhan ap

«Сурхон Ажанта Лимитед»

Ўзбекистонда фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи етакчи қўшма корхонадир.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Ҳайдар НОСИРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Белгиланган умумий тартиби 16000 газета ўлчамида. А-2 форматида. 15,512 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0985

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 23.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА